

Ш.А. Шермухамедова, ўқитувчи, ТМИ

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА БЕРИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

В статье рассмотрено сущность социальной защиты населения, проанализированы расходы государственного бюджета на социальную сферу, даны рекомендации по совершенствованию действующей системы социальной защиты населения.

This article describes the value of social protection of the population, analyses the expenses of the state budget on the social sphere, gives recommendations about improvement of social protection system of the population.

Калитли сўзлар: Ижтимоий ҳимоя, таълим соҳани молиялаштириш, соғлиқни сақлаш соҳани молиялаштириш, маданият ва спорт соҳани молиялаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя соҳани молиялаштириш.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг мавжуд барқарор механизми жамиятнинг ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кекса-қариялар, ногиронлар, вақтинча ишсизлар ва шунга ўхшаш ёрдамга эҳтиёжманд аҳоли вакилларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан изоҳланади. Кўриниб турибдики, мамлакатдаги ижтимоий ислохотлар асосини ташкил қилувчи аҳолининг муайян қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимига ўтилиши иқтисодий тараққиётнинг стратегик мақсадларига мос келади.

Бугунги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини амалга ошириш, ҳудудларда кам таъминланганликнинг салбий оқибатларини юмшатиш, ижтимоий тенгсизликни камайтириш ҳамда ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатининг ўсишини таъминлашга йўналтирилган аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятининг ролини кучайтириш бўйича тегишли ҳулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда давлат бюджетидан ижтимоий соҳани молиялаштиришга ажратиладиган харажатларнинг ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Ижтимоий соҳага ажратиладиган бюджет харажатларининг ўтган йилга нисбатан фоизлардаги ўзгаришини кўрадиган бўлсак, ижтимоий ҳимояга ажратиладиган маблағларнинг салмоғи ошаётганини кўришимиз мумкин. 2012 йил 2013 йилга нисбатан 112 % га ошган бўлса, 2014 йил 2013 йилга нисбатан 136,7 % га кўтарилганини кўришимиз мумкин. 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 138 % кўп маблағ ажратиш режалаштирилган.

1-жадвал

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага харажатлари динамикаси[1]

Йўналишлар	Бўлим	Умумий бюджет харажатларидаги улуши, %					Ўтган йилга нисбатан ўсиши, %				
		2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йилга режа	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йилга режа
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Таълим	7090	33,9%	34,5%	34,6%	34,4%	34,5%	100,0%	127,2%	123,8%	121,7%	122,0%
Соғлиқни сақлаш	7070	14,3%	13,4%	13,3%	13,1%	13,2%	100,0%	117,0%	122,8%	120,8%	121,2%
Маданият ва спорт	7080	1,4%	1,6%	1,7%	1,4%	1,4%	100,0%	145,4%	129,3%	99,0%	115,0%
Ижтимоий ҳимоя	7100	9,6%	8,6%	8,6%	9,6%	9,7%	100,0%	112,0%	123,5%	136,7%	138,0%

Таълим соҳасини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилишини йилига ўртача 24 % га ўсаётганини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Давлат бюджетининг таълим соҳасига харажатлари динамикаси[1]

Йўналишлар	Бўлим	Бюджетнинг умумий харажатларидаги улуши, %					Ўтган йилга нисбатан ўсиши, %			
		2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йилга режа	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йилга режа
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
ТАЪЛИМ	7090	33,9%	34,5%	34,6%	34,4%	34,5%	127,2%	123,8%	121,7%	122,0%
шундан:										
Мақтабгача таълим	7091	3,6%	3,8%	3,9%	3,8%	3,9%	130,7%	128,9%	118,6%	119,0%
Умумий ўрта таълим	7092	26,2%	26,4%	25,7%	25,9%	25,8%	125,8%	120,6%	123,2%	123,5%
Олий таълим	7094	1,8%	2,0%	2,3%	2,3%	2,3%	138,4%	141,0%	121,8%	122,8%
Босқичларга бўлинмаган таълим	7095	0,1%	0,1%	0,1%	0,1%	0,1%	134,2%	116,0%	116,2%	117,0%
Таълим тизимида ёрдамчи хизматлар	7096	1,7%	1,8%	2,0%	2,0%	2,0%	133,6%	134,9%	122,7%	123,0%

Бюджетдан таълим соҳасига ажратилаётган маблағларнинг салмоқли қисмини умумий ўрта таълимни молиялаштиришга сарфланмоқда. 2015 йилги Давлат бюджетининг таълимга ажратилган харажатлари ЯИМга нисбатан 7,3 фоизни ташкил этиши режалаштирилган.

Маълумки, мамлакатимизда илк бор мактаб остонасига қадам қўядиган ўғил-қизларимизни дарслик ва бошқа ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш яхши анъанага айланган. 2014 йилда ҳам қарийб 587 минг 1-синф ўқувчиси салкам 28 миллиард сўм қийматидаги дарслик ва ўқув анжомлари билан таъминланди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини янада чуқурлаштириш мақсадида чет тили фани, аввало, инглиз тилини ўрганиш учун мўлжалланган ўқув хоналари 45 миллиард сўмлик[2]

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, техник воситалар билан жиҳозланди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини давлат бюджети хисобидан молиялаштирилишини йилига ўртача 20 % га ўсаётганини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Давлат бюджетининг соғлиқни сақлаш соҳасига харажатлари динамикаси[1]

Йўналишлар	Бўлим	Бюджетнинг умумий харажатларидаги улуши, %					Ўтган йилга нисбатан ўсиши, %			
		2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йилга режа	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йилга режа
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ	7070	14,3%	13,4%	13,3%	13,1%	13,2%	117,0%	122,8%	120,8%	121,2%
<i>шундан:</i>										
Амбулатория хизматлари	7072	4,1%	4,0%	4,2%	4,2%	4,2%	123,6%	128,0%	122,2%	123,0%
Касалхона хизматлари	7073	7,8%	7,8%	7,7%	7,3%	7,4%	125,8%	120,8%	117,0%	120,0%
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар	7074	0,9%	0,9%	0,9%	0,9%	0,9%	123,5%	123,5%	122,2%	123,0%

Бюджетдан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағларнинг салмоқли қисмини касалхона хизматларини молиялаштиришга ҳамда амбулатория хизматлари учун сарфланган. Шу билан бирга 2015 йилги Давлат бюджетининг соғлиқни сақлашга ажратилган харажатлари ЯИМга нисбатан 3,1 фоизни ташкил этиши режалаштирилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилди. Бундай тиббиёт масканларининг сонини янада оптималлаштириш, замонавий диагностика ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Оптималлаштириш натижасида камқувватли ва самарасиз фаолият кўрсатаётган 243 та қишлоқ врачлик пункти тугатилди.

Тажриба тариқасида Бўстонлик, Ўзбекистон, Шаҳрисабз, Хива ва Жомбой туманларида патронаж тиббиёт ҳамширасининг ўз функционал вазифаларини нечоғлиқ тўлиқ бажариши ва фаолиятининг якуний натижаларидан келиб чиққан ҳолда, унинг иш самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш тизими жорий этилди. 2015 йил ушбу тажрибани мамлакатимизнинг яна 18 та туманида қўллаш мўлжалланмоқда [2].

Соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида 2014 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида 137 та тиббиёт объектларини барпо этиш ва реконструкция қилиш учун 382,4 млрд. сўм

ажратилди. Жорий йил 1 сентябрь ҳолатига объектларда жами 306,8 млрд. сўмлик (80,2 %) қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди [3].

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига асосан жорий йилда 23,0 млн. АҚШ долл. қийматидаги 6 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. “Саломатлик-3” лойиҳасини амалга ошириш доирасида туман тиббиёт бирлашмалари, оилавий поликлиникалар учун 7,16 млн. АҚШ долл. қийматидаги жарроҳлик ва гинекологик жихозлар тўппамлари, офтальмоскоплар, шпатель, торозилар, бўй ўлчагич кабиларнинг хариди ўтказилди. УТТ аппарати, портатив ЭКГ, гастропфиброскоп, музлаткич ва шприцли насос каби тиббий асбоб-ускуналар туман тиббиёт бирлашмаларига етказилмоқда [3].

Маданият ва спорт соҳасини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилишини доимий ўзгаришдалигини кўришимиз мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Давлат бюджетининг маданият ва спорт соҳасига харажатлари динамикаси[1]

Йўналишлар	Бўлим	Бюджетнинг умумий харажатларидаги улуши, %					Ўтган йилга нисбатан ўсиши, %			
		2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йилга режа	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йилга режа
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ	7080	1,4%	1,6%	1,7%	1,4%	1,4%	145,4%	129,3%	99,0%	115,0%
<i>шундан:</i>										
Маданият соҳасидаги хизматлар	7082	0,5%	0,5%	0,5%	0,6%	0,6%	126,7%	126,0%	124,1%	125,0%
Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги хизматлар	7083	0,1%	0,1%	0,1%	0,1%	0,1%	111,3%	107,7%	103,6%	104,3%
Радиоэшиттириш ва телевидение кўрсатувлари, нашриёт ишлари, шунингдек киномахсулот яратиш билан боғлиқ хизматлар	7084	0,3%	0,3%	0,3%	0,3%	0,3%	114,1%	139,3%	114,5%	117,8%

Бюджетдан маданият ва спорт соҳасига ажратиладиган маблағларнинг салмоқли қисмини маданият соҳасидаги хизматларни молиялаштиришга ҳамда радиоэшиттириш ва телевидения кўрсатувлари, нашриёт ишлари, шунингдек киномахсулот яратиш билан боғлиқ хизматларни молиялаштиришга сарфланади. Шу билан бирга 2015 йилги Давлат бюджети лойиҳасида маданият муассасаларини таъминлаш ва спорт тадбирларини ўтказиш учун ажратилган харажатлар ҳажмини жорий йилга нисбатан 1,24 баравар ошириш назарда тутилган.

2014 йил мобайнида фақат Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 18 та намунавий спорт объекти ва 73 та мактаб спорт зали барпо этилди, 24 та объектда қарийб 100 миллиард сўмлик

реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Болалар дунёқарашини шакллантириш ва уларнинг ички дунёсини бойитишда кўғирчоқ театрлари ролини ошириш мақсадида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг 99-бандига кўра, Республика кўғирчоқ театрини мукамал таъмирлаш учун 2014-2015 йилларда давлат бюджетидан 15 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилиши назарда тутилган. Шундан, 2014 йилда иншоотнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун 400,0 млн сўмгача маблағларни Давлат бюджети параметрларида ижтимоий соҳага назарда тутилган маблағлар доирасида ажратилди.

Ижтимоий ҳимоя соҳасини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилишини йилига ўртача 28 % га ўсаётганини кўришимиз мумкин. Бюджетдан ижтимоий ҳимоя соҳасига ажратиладиган маблағларнинг салмоқли қисмини оила ва болаларни молиялаштиришга сарфланади. (5-жадвал)

5-жадвал

Давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя соҳасига харажатлари динамикаси[1]

Йўналишлар	Бўлим	Бюджетнинг умумий харажатларидаги улуши, %					Ўтган йилга нисбатан ўсиши, %			
		2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йилга режа	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йилга режа
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ	7100	9,6%	8,6%	8,6%	9,6%	9,7%	112,0%	123,5%	136,7%	138,0%
<i>из них:</i>										
Касаллик, меҳнатга лаёқатсизлик ва кам таъминланганлик	7101	1,9%	1,9%	1,9%	1,9%	1,9%	123,5%	123,9%	122,7%	126,7%
Қариллик	7102	0,2%	0,2%	0,2%	0,2%	0,2%	125,7%	115,6%	118,2%	121,6%
Оила ва болалар	7103	6,1%	5,7%	4,1%	3,8%	3,9%	115,3%	90,3%	111,4%	118,3%
Уй-жой	7105	0,6%	0,1%	1,5%	2,4%	2,4%	20,7%	1923,0 %	202,7%	120,3%
Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича харажатлар	7106	0,5%	0,5%	0,5%	1,1%	1,1%	122,5%	128,6%	263,7%	122,8%

Шу билан бирга, 2015 йилги Давлат бюджетининг кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари ЯИМга нисбатан 1,3 фоизни ташкил этиши режалаштирилган. Давлат бюджетининг ижтимоий таъминотга ажратилган харажатлари жорий йилга нисбатан 1,2 баравардан зиёд оширилиши режалаштирилган, бу эса аҳоли фаровонлигини изчил тарзда яхшилаш имкониятини яратади.

Бу борада 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонида асосан

уларни ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилди.

Айни вақтда кекса авлод вакилларига нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар томонидан ҳам моддий ва маънавий кўмак берилаётгани ва бундай ёрдамнинг миқёси кенгайиб бораётгани эътиборга сазовор. Хусусан, 2013 йилда “Нуроний” жамғармаси томонидан шу мақсадда 610 миллион сўм, жорий йилнинг 9 ойида эса 553 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан 2013 йилда 1 миллиард 597 миллион сўмдан зиёд, шу йилнинг ўтган 9 ойида эса 1 миллиард 614 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилгани ҳам бунга мисол бўла олади [2].

Ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган 700 дан зиёд ёш оилага “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 12-бандига мувофиқ тўй маросимларини ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилаш учун ҳомийлик ёрдами кўрсатиш белгиланди. Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун “Маҳалла” фонди маблағларидан 1 млрд. сўм ажратилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида бошқарувнинг янги ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришни таркибий унсурлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятининг ва уларнинг тизимни бошқариш жараёнидаги ролини ўзгартиришга йўналтириш лозим.

Ушбу механизмни яратиш, бизнингча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш асосида минтақа аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тизимини бошқаришнинг асосий субъекти сифатида давлат ҳокимияти органларининг ролини такомиллаштиришни назарда тутати:

- солиқ, кредит, бюджет механизмлари ҳамда давлат буюртмаси механизми ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар, нотижорат ташкилотлар, шунингдек, алоҳида уй хўжаликларини ўзларининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини бошқаришдаги иштирокини оширишга фаол рағбатлантириш;

- давлат органларининг ижтимоий ёрдам кўрсатишга нисбатан ёндашувларини ўзгартириш, бу ижтимоий имтиёзлар ва субсидияларни оддий молиялашдан воз кечилишини, бандликни ва ўзини ўзи банд қилишни рағбатлантиришга йўналтирилган ижтимоий дастурларнинг кенг қўлланишини, аҳолининг даромад олишини таъминловчи шахсий ташаббусни ривожлантиришни ва инсонлар эҳтиёжларининг қондирилишини назарда тутати.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

2. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб

бериш – устувор вазифамиздир” номли Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь №11 (6194)

3. www.lex.uz “Соғлом бола йили” Давлат дастури